

№ S/4 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTALARINING O'RNI	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН	96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzamova Nargiza Gapurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ҮРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbanova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348
-------------------------------------	---	---------

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиiddин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
---	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ"	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399
----------------------------------	---	---------

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415
-------------------------------------	---	---------

Xaydarova Iroda Nizomiddinovna

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

Шукрова Нафиса Алишеровна

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ 422-427

Nigmanov Bori Botirovich

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING
AHAMIYATI 428-433

Муродова Дурдона Раимжон қизи

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ 434-438

Axmedov Alisher Nosir o'g'li

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI 439-447

Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI 448-452

Mansurbekova Feruza Gayratovna

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 453-456

Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI 457-465

Atamuratova Munira

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL
METODLAR TAVSIFI 466-471

Нурилло Эминов

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА
БИР НАЗАР 472-476

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Фозилов Умид Закирович

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Фарғона ҳудудий филиали

БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Аннотация. Мақолада бошқарув кадрларини баҳолаш тизими самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, баҳолаш тизимининг элементларини умумлаштириш ва таърифлаш, баҳолаш тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, ташкилотда бошқарув ходимларини фаолиятини баҳолашнинг самарадорлиги ташкилот бошқаруви самарадорлигини ошириш омили таҳлили каби масалалар муҳокама қилинади.

Таянч сўзлар: бошқарув кадрлари, баҳолаш тизими, ижтимоий баҳолаш, самарадорлик, оптималлаштириш, баҳолашнинг асосий талаблари.

Фозилов Умид Закирович

Ферганский региональный филиал Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан

РАЗУМНАЯ ОЦЕНКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО ПЕРСОНАЛА – ОСНОВА ЭФФЕКТИВНОСТИ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ

Аннотация. В статье рассматриваются факторы, влияющие на эффективность системы оценки управленческого персонала, обобщаются и определяются элементы системы оценки, анализируется эффективность системы оценки, эффективность оценки деятельности управленческого персонала в организации, проводится анализ фактор повышения эффективности управления организацией.

Ключевые слова: управленческий персонал, система оценки, социальная оценка, эффективность, оптимизация, основные требования оценки.

Fozilov Umid Zakirovich

Fergana regional branch of the Academy of State
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

REASONABLE ASSESSMENT OF THE PERFORMANCE OF THE MANAGEMENT STAFF IS THE BASIS OF THE EFFICIENCY OF THE ORGANIZATION'S MANAGEMENT SYSTEM

Abstract. The article discusses the factors influencing the effectiveness of the management personnel assessment system, summarizes and defines the elements of the assessment system, analyzes the effectiveness of the assessment system, the effectiveness of assessing the activities of managerial personnel in the organization, and analyzes the factor for improving the efficiency of organization management.

Key words: managerial personnel, evaluation system, social evaluation, efficiency, optimization, basic evaluation requirements.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N14>

Бошқарув ходимлари фаолиятини баҳолаш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда бошқарув ходимлари фаолиятининг мавжуд баҳолаш тизимлари объектив ва аниқ натижаларни ишлаб чиқишига имкон бериши мумкин. Бироқ, уларнинг ҳар бири фарқли равишда фақат битта тизимли баҳолаш билан чекланиб қолмасликни тақозо этувчи алоҳида кучли ва заиф хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам, баҳолаш тизимининг амалий қўллаш масалалари доимий равишда унинг самарадорлигига, натижадорлигига ва албатта, амалга ошириш ҳаражатларига бевосита боғлиқ. Амалда баҳолашнинг ўзига хослиги ва ҳақиқийлиги амалга ошириш ҳаражатларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида кам ҳаражатли ва паст даражадаги ўзини оқламаган натижаларни келтириб чиқаради.

Ходимлар фаолиятини баҳолаш жараёнининг юқори савияда ташкил этилиши ходимларнинг индивидуал хусусиятлари, улар томонидан вазифаларнинг бажарилиши, иш жойидаги хатти-ҳаракатлари, меҳнатга бўлган муносабати тўғрисида ва бошқа шу каби ахборотлар билан таъминлайди. Бу ахборотлар ўз навбатида оқилона қарорлар қабул қилиш ва кадрлар сиёсати мувозанатини таъминлаш учун хизмат қиласди [1].

Ходимларни баҳолаш (шу жумладан бошқарув ходимларини баҳолаш) билан боғлиқ масалалар бир қанча ҳорижий ва маҳаллий муаллифларнинг тадқиқотларида ходимларни бошқариш жараёни сифатида қаралади ва қўп ҳолларда ходимларни аттестациядан ўтказиш билан белгиланади.

Бошқарув жараёнларининг, жумладан инсон ресурсларини бошқаришининг илмий тадқиқ этишнинг янада такомиллашуви натижасида илк бора М.Л.Алелюнас ва Р.Ю.Миквикис, Э.П.Беклемишев, Г.Х.Попова ва бошқа шу каби муаллифлар томонидан турли соҳалар раҳбарларига талабларни шакллантириш ва уларнинг ишбилармонлик, шахсий ва касбий фазилатларини баҳолаш масалалари адабиётларда фақат кейинги йилларда жиддий кўтарила бошлади. Бошқарув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва раҳбарларни баҳолаш мезонлари тизими ҳақидаги қарашлар А.Авилов, Н.П.Биалиатский, М.Вудкок ва Д.Френсис, Л.Д.Кудряшова, Г.Латфуллина, С.Д.Мартинова, И.П.Марченко, С.Д.Резник, К.Д.Скрипник, В.В.Томилова, Ж. ван Счайк ва бошқа шу каби муаллифларнинг асарларида учрайди.

И.Ф.д. (PhD) Ш.Р.Холмўминов “Маҳаллий бошқарув кадрлар менежменти” номли ўқув қўлланмасида маҳаллий бошқарув кадрлар фаолиятининг натижаларини баҳолаш, бошқарув меҳнатини баҳолаш ва баҳолаш усусларининг ўзига хос жиҳатларини ёритган [2]. Шунингдек, бошқарув объективининг ишлаб чиқариш натижаларига қараб ходимга баҳо бериш масалаларига эътибор қаратган.

Бошқарув фанининг фундаментал қонунлари, раҳбар кадрларнинг фаолият самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқот олиб борган хориж ва юртимиз олимларининг илмий тадқиқотларини ўрганиб чиқилди. Статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ҳамда таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гурухлаш, анализ ва синтез, эксперт баҳолаш ҳамда маълумотларни гурухлаш каби илмий тадқиқот усуслари орқали ўрганилди.

Ҳар қандай ташкилот мақсадларига эришиш учун ўз фаолиятини мунтазам янгилаб, замонавийлаштириб бориши зарур. Ўз мақсадларини амалга ошириш

даражаси корхонанинг қанчалик самарали ишлашини, яъни ташкилий ресурслардан қанчалик самарали фойдаланаётганлигини англатади. Бу кўрсаткич корхонанинг барча ташкилий ресурслардан, жумладан, ҳар бир ходимнинг меҳнатидан унумли фойдалана олиш самарадорлигига асосланади. Ходимлардан унумли фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш сифатида корхонада ходимлар фаолиятини самарали баҳолаш тизимининг йўлга қўйилганлиги назарда тутиш мумкин.

Қўйида баҳолаш жараёнининг таркиби қисмларини келтириб ўтамиш:

1. Баҳолаш объекти: ходимнинг фаолияти (унинг мураккаблиги, самарадорлиги, сифати, меҳнатга муносабати ва бошқалар); мақсадларга эришиш, миқдор ва сифат жиҳатдан натижалар, индивидуал натижалар ва ходимнинг жамоанинг умумий муваффақиятига қўшган ҳиссаси, ўзига хос хусусиятлари (билими, малакаси, характер хусусиятлари) ва уларни намоён қила олиш даражаси;

2. Баҳолашга асосланган манбалар: ҳужжатлар асосида (тавсифнома, резюме, эришган ютуқлари), мутахассислар фикрига қўра баҳолаш, сұхбатлар натижаси (интервью), умумий ёки маҳсус ўтказилган тест натижалари, мунозараларда иштироки, иш юзасидан тайёрланган ҳисботлар ва маълум вазиятларда ўзини тутиши;

3. Аниқ манбаларга асосланган ҳолда баҳолаш жараёнини ўтказиш;

4. Баҳолаш мезонлари;

5. Баҳолаш субъектлари (номзод ёки ходим, ходимнинг ҳамкаслари, раҳбарлар, бўйсунувчилар, мутахассислар);

6. Ходимларни қамраб олиш даражаси (умумий худудий ёки маҳаллий баҳолаш, маълум бир гуруҳ ёки индивидуал шахсни баҳолаш).

7. Муайян давр – мунтазам календар (давр, аниқ давр, лавозим даври ёки умумий иш стажи жараёнидаги давр) [3].

Ходимларни ҳар ойда мунтазам баҳолашни йўлга қўйиш мумкин. Лекин, бу ҳолатда баҳолаш тўғрисидаги якуний хулосани фақат чорак ёки йил охирида олинади [4]. Шунингдек, баҳолашжараёни бир қанча талабларга мос келиши керак (1-расм).

Баҳолаш жараёни бошқа ҳар қандай бошқарув фаолияти сингари ўзида тизимиликни акс эттириши керак. Шуни таъкидлаш лозимки, тасодифий ёки кўзда тутилмаган баҳолаш нафақат ижобий натижа бермаслиги балки, одатда кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши, жамоада вазиятнинг ёмонлашишига ва ҳаттоқи низоли вазиятларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Баҳолаш жараёнининг асосий талаблари:

баҳолашнинг мақсадга мувофиқ бўлиши	ташкilotning ташкилий тузилмаси ва корпоратив маданиятига мувофиқ бўлиши	баҳолаш мезонларининг соддалиги ва шаффоғлиги	ходимлар фаолиятининг мақсадларига мувофиқлиги	сифат ва миқдор кўрсаткич ларидан фойдаланиши	вазифаларнинг хилма-хиллиги	тавсияларнинг амалий аҳамиятга эга эканлиги
-------------------------------------	--	---	--	---	-----------------------------	---

1-расм. Баҳолаш жараёнининг асосий талаблари

Тажрибали социолог ва психологлар қуидаги комплекс усуллардан фойдаланган ҳолда жамоада баҳолаш ўтказадилар: тезкор баҳолаш (тестлаштириш) ўтказиш, комплекс баҳолаш ўтказиш, мукаммал баҳолаш (индивидуал таҳлил шаклида), ходимларнинг компетенциялари бўйича сұхбатлар, анкета сўровлари, ассесмент ва ҳоказо.

Афуски, қўлланиладиган барча баҳолаш тизимларини ҳам самарали деб бўймайди. Бунинг асосий сабаби баҳолашда ижобий самарадорликка эришилмаслиги – баҳолаш жараёнини амалга оширувчларнинг субъектив ёндошувларидир. Ходимларни баҳолашда субъективликни олдини олиш жуда қийин масала. Бу ҳолатда баҳоланувчи ходимлар томонидан норозилик, эътирозли ҳолатлар келиб чиқиши ва бу билан аксинча унумдорликни салбий томонга ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

Баҳолаш жараёнида қуидагича ёндошувлар қилиш субъективликни камайтиришга хизмат қилиши мумкин:

- бир вақтнинг ўзида баҳолаш жараёнида бир нечта ходимга назорат функцияларини бериш;

- баҳолашни ташкилотдан ташқари бўлган шахсларга (консалтинг компаниялари ёки корхонанинг кадрлар фаолияти билан боғлиқ бўлган алоҳида тузилмаларга) топшириш.

Шунингдек, ходимларнинг асосий фаолиятига даҳл қилмаган ҳолда баҳолашда масъулият билан ёндоша оладиган шахсларни топиш ҳам муаммо ҳисобланади. Чунки, баҳолаш жараёни белгиланган шахсларга ходимлар билан сұхбатлар ташкил қила олиш усуллари, кузатувларни амалга ошира олиш, жамоавий муносабатларни аниқ тушуна олиш, юқори даражадаги ақл-идрок, етакчиларга хос хусусиятларга эга бўлиш, муаммоларни ҳал этишга ёндошув, стандарт баҳолаш тизимини ишлаб чиқа олиш ва қўллай олиш, ходимларнинг иш сифатига баҳо бера олиш масъулиятни юклайди.



*Сифатга қаратилган усул
ҳеч қандай миқдорий натижаларига таянмаган ҳолда ходимлар сифатини аниқлашни тавсифловчи характерга эга*



*Миқдорга қаратилган усул турли ўлчовлар кўламига эга бўлган аниқ кўрсаткичларга асосланган ҳолда ходимларнинг иш сифатини аниқлашига ёрдам беради.
Умуман олганда сифат ва миқдорга қаратилган усуллар ходимларнинг потенциал имкониятларини баҳолаш масалаларини ҳал этишига ёрдам беради*



Мувофиқлаштирилган усул олдиндан тайёрлаб тақдим этилган муаммоли вазиятларни ходимлар томонидан ҳал этилиши, ходимнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолаш (ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган турли муаммоли вазиятларни ҳал этиши қобилияти, ёндошуви) ўрганилади


2-расм. Баҳолаш усуллари

Амалиётда мақсадли ва режалаштирилган баҳолашни амалга оширишда (кадрлар заҳирасини шакллантириш, ишчиларни аттестация қилиш ва ҳоказо), шунингдек, жорий (тезкор) баҳолашда шартли равишда уч хил усул мавжуд (2-расм): сифатга қаратилган, миқдорга қаратилган ва мувофиқлаштирилган [5].

Замонавий бошқарувда ҳар бир раҳбар, энг аввало, ўз ташкилотидаги, бошқарув аппаратидаги ходимлар, мутахассислар ва хизматчилар ишини бошқара олиши керак. Чунки, фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқарув командаси ишининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Бу масалани ижобий ҳал қилиш раҳбар ходимлардан уларнинг шахсий қобилияtlари билан бирга бошқарув фаолияти асослари илмини мукаммал эгаллашларини, маъмурий менежмент асосларини билишлари ва юқори даражали малакага эга бўлишларини талаб қилинади. Ташкилотда маъмурият ишини тўғри ташкил эта билиш, вазифа ва ваколатларни тақсимлашда ходимнинг малакасини эътиборга олиш, бошқарув усусларидан ўз ўрнида фойдаланиш, самарали ва ахил бошқарув аппаратини шакллантириш ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу каби хусусиятларга эга бўлган раҳбарлар ўзлари бошқариб турган жамоалари олдига қўйилган мураккаб масалаларни тўғри ҳал қилишга ва режаларни юқори самарали қилиб бажаришга қодир бўладилар.

Тадқиқот доирасида айнан раҳбар ходимларнинг бошқарувчилик сифатларини ҳамда бошқарувга оид қандай қўнималар етишмаслигини аниқлаш мақсадида раҳбарларнинг бошқарув профессионализмига оид сўровнома ўтказдик. Сўровномада сифатга қаратилган усулга кўра ходимлар сифатини аниқлашни тавсифловчи характерга эга саволлар берилди. Унда давлат ҳокимияти идоралари ва ташкилотларида фаолият юритувчи раҳбар кадрлардан иборат жами 400 нафарга яқин респондент иштирок этди.


Қуйида (3-расм) раҳбарнинг ваколат узатиш қобилиятини ўрганиш бўйича сўров натижалари келтирилади. Ушбу натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, жами иштирокчиларнинг 45% фоизи аъло, 41% фоизи яхши, 12% фоизи қониқарли ва иштирокчиларнинг 1% фоизи ёмон баҳоланган. Демак, ўтказилган сўров натижалари 45% аъло ва 41% яхши натижа кўрсатган раҳбар кадрлар ўз фаолиятида ваколатларни тўғри узатиш орқали ишларини самарали ташкил қилишлари мумкинлигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга ўзида ушбу қобилиятни етарли деб ҳисобламаган раҳбарлар ҳам кузатилди.



3-расм. Раҳбарнинг ваколат узатиш қобилияти

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


Ташкилот фаолиятида ходимларнинг етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, замонавий менежментда стратегик мақсад ва ғоялар билан ишловчи раҳбарлар ходимларнинг иш жараёни ҳамда замонга мос билим ва кўникмаларга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратадилар. Замонавий бошқарув раҳбар кадрлардан ҳар доим ўз устида ишлашини, ўз соҳаси ва бошқарув бўйича билим ва кўникмаларини доимо ривожлантириб боришини талаб этади. Акс ҳолда раҳбар ўз ишини ташкил қила олмайди. Шунингдек, ташкилот ишини ташкил қилиш ва ривожлантиришда раҳбарнинг ўзи юксак билим-кўникмаларга эга эканлиги етарли эмас, албатта. Чунки, раҳбарнинг жамоа олдига қўяётган вазифаларини амалга ошириш учун жамоа аъзолари, ходимларда ҳам етарлича билим ва кўникмалари бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам ақлли раҳбар нафақат ўзи ривожланади балки, ходимларини ҳам иш жараёнига оид етарлича замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун шартшароитларни яратиб бериши керак. Керак бўлса, ўзи шахсий намуна ва мураббий сифатида қўл остидаги ходимларни ҳам ривожлантириши зарур.



4-расм. Раҳбарнинг ходимларни ривожлантира олиш қобилияти
Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Кейинги сўровда раҳбарлардан (4-расм) “Қўл остингиздагиларга қандай билим ва кўникмалар етишмаётганлигини аниқлай оласизми? Уларга шахсий намуна бўла оласизми, ходимларингизга иш жараёнида зарур бўлган кўникмаларни шакллантира олишингиз мумкинми?” деб сўралганда респондентларнинг 44 % қўл остидагиларга қандай билим ва кўникмалар етишмаётганлигини аниқлай олиш ва уларга шахсий намуна бўла олиш, ходимларида иш жараёнида зарур бўлган кўникмаларни ўргата олиш ёки шакллантира олиш борасидаги кўникмаларини аъло, 34 % эса яхши деб ҳисоблаган.

Ривожланган мамлакатларда ҳам ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг фаолиятини доимий таҳлил қилиб боришга катта аҳамият қаратилади. Япония донишмандларида шундай гап бор: “Ёмон хўжайн курмак ўстиради, яхшиси гуруч етиштиради, ақллиси тупроқни яхшилади, узоқни кўзловчиси ходим тайёрлайди”. Америкаликлар эса: “Америка ҳеч нарса қилмайди, америкаликлар қиласди, ташкилот ҳеч нарса қилмайди, ташкилотдаги раҳбарлар ва ходимлар қиласдилар”, деб таъкидлашади.



5-расм. Раҳбарнинг ходимларни танлай билиш қобилияти

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ташкилотингиз ишида қандай ходимлар керак эканлигини била оласизми? (5-расм) Касбий ва шахсий хусусиятлари асосида идеал номзоднинг портретини шакллантира оласизми? Номзодни тўғри танлай оласизми?” деган саволга 44 % респондент ўз кўникмаларини аъло, 3 % эса ёмон деб ҳисоблаган.

Жамоада раҳбарликни амалга оширувчи шахсга бир қатор талаблар қўйилади. Юқорида раҳбарнинг бошқарувчилик қобилияtlарини намоён қилувчи айrim хусусиятларини кўриб чиқилди.

Ҳозирги ўта глобаллашган замонда кадрларнинг нотўғри танланиши корхоналар ташкилот ишида кўп йўқотишларга сабаб бўлади. Ташкилот раҳбарининг кадрларни танлашда эътиборга олиши муҳим бўлган жиҳат – инсоннинг аввал нима қилганини эмас, балки энди нима қила олиши мумкинлигини била олишdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида таъкидланганидек, “... лавозимларга самарали ишни таъминлайдиган, муносиб кадрларни танлаш бўйича олдимиизда муҳим вазифа турибди” [6]. Шу маънода, кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш, бошқариш ва салоҳиятидан унумли фойдаланиш жараёнида кўллаб келинаётган замонавий усулларни тадқиқ этиб, улардан иш жараёнида самарали фойдаланиш йўналишларини ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Раҳбарнинг ходимларни танлай билиш қобилияти ҳақида сўралган сўров натижалари раҳбар кадрларнинг 44 фоизида бу қобилият аъло даражада деб баҳоланган бўлса, 36 фоизида яхши даражада эканлигини кўрсатган. Сўровда иштирок этган 20 фоиз раҳбарларда эса бу кўрсаткич ёмон эканлиги акс этган. Раҳбар шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари унинг жамоани бошқаришига таъсир кўрсатади.

Бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ равища амалга ошириш учун раҳбар идора қилишнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъий назар муайян қобилиятга эга бўлиши керак. Раҳбар ўзининг шахсий фазилатлари, мустаҳкам ҳарактери, кучли иродаси, барқарор ҳиссиёти, барча нарсаларга ва жабҳаларга нисбатан махсус қобилиятлари билан маълум ҳажмдаги меҳнат жамоаларини бошқара олади. Чунки, фан ва техниканинг ривожи одамларда онглилик даражасининг юксак кўрсаткичи ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, кишиларнинг муайян билимларга эга эканлиги раҳбарнинг комил инсон камолоти поғонасига кўтарилишини тақозо этади.

Раҳбар ходимлар ишининг муҳим жиҳати — бу бошқарувда улар фаолиятини оқилона баҳолаш ҳисобланади. Бундай баҳолаш раҳбар ходимларни самарали танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишига муносиб тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, лавозим бўйича юқори поғонага кўтариш ва ниҳоят мунтазам малакасини ошириш учун зарурдир. Бу тизимни ташкилотда самарали ташкил этиш, такомиллаштириш, таҳлил қилиб бориш бевосита ташкилот бошқарувининг самарадорлигини таъминловчи муҳим вазифадир.

Раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолаш – келгусида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарурий бўлган ахборот ва маълумотларни доимий равища жамлаш мақсадида ташкилотнинг вазифаларини амалга оширишда ходимларнинг самарадорлигини аниқлаш жараёнини англатади. Юқорида берилган ушбу таърифда қўйидаги фикрларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, биз ходимнинг эмас, балки ходимнинг фаолият самарадорлигини (натижадорлик) баҳолаймиз. Яъни, биз бўйсунувчиларнинг шахсий фазилатларини баҳоламоқчи эмасмиз. Меҳнат жараёнида яхши ва ёмон одамлар йўқ. Балки, касбий, ҳулқатвор ва шахсий хусусиятлари, бажарилган иш ҳамда эгаллаб турган лавозимига мос келадиган ёки мос келмайдиган одамлар бор.

Иккинчидан, ходимлар фаолиятини баҳолаш шунчаки уларни саралаш учун эмас, балки ташкилот мақсадларига эришиш учун муҳимdir.

Учинчидан эса, баҳолаш натижасида ходимларни бошқариш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотлар тўпланди.

Раҳбар шахсининг индивидуал психологияк хусусиятлари унинг жамоани бошқаришига таъсири кўрсатади. Бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ равища амалга ошириш учун раҳбар идора қилишнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъий назар муайян қобилиятларга эга бўлиши керак. Раҳбар ўзининг шахсий фазилатлари, мустаҳкам ҳарактери, кучли иродаси, барқарор ҳиссиёти, барча нарсаларга ва жабҳаларга нисбатан махсус қобилиятлари билан маълум ҳажмдаги меҳнат жамоаларини бошқара олади. Чунки, фан ва техниканинг ривожи одамларда онглилик даражасининг юксак кўрсаткичи ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, кишиларнинг муайян билимларга эга эканлиги раҳбарнинг комил инсон камолоти поғонасига кўтарилишини тақозо этади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Базаров Т.Ю. 2002 г. Оценка персонала. М.: ИПК ГС;

2. Холмўминов Ш.Р. 2004 й. “Маҳаллий бошқарув кадрлар менежменти”. Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти;
3. Васькин А.А. 2000 г. Оценка менеджеров: Учебно-практическое пособие. М.: Компания спутник;
4. Frank A. Heller. An evaluating of the Personnel Management function 1961 y;
5. Кашеварова С.С., Пантелеева О.Ю., Павлова А.М. 2004 г. Психологические аспекты аттестации кадров. VI Региональная студенческая научно-практическая конференция. Екатеринбург.: РГППУ;
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Ишонч, 2017 йил 17 январь, № 7-8 (3825)

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).